O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 17 феврал пайшанба

Сотувда эркин нархда
№ 34 (2331)

*Ислом КАРИМОВ:*

***ТИНИМ БИЛМАЙ, ХОТИРЖАМЛИККА БЕРИЛМАЙ, ДОИМО ИЗЛАНИШ, ИЗЛАНИШ ВА ЯНА ИЗЛАНИШ, ТАДБИРКОРЛИК, ТАШАББУСКОРЛИК, ИШБИЛАРМОНЛИК ҲИСОБИДАН ЯШАШИМИЗ КЕРАК.***

# ИҚТИСОДИЁТИМИЗ ГУЛДАСТАСИ

Ҳар гулнинг ўз ҳиди бор. Мулкчиликнинг бугунги турли шаклларига назар ташласак, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг натижалари — давлат, жамоа корхоналари, қўшма корхоналар, концерн ва корпорациялар, очиқ ва ёпиқ турдаги акциядорлик ҳамда масъулияти чекланган жамиятлар, кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик жамоалари, савдо фирмалари ва ўқув-ишлаб чиқариш марказлари, ижара, ширкат, деҳқон ва фермер хўжаликлари... мустақил Ўзбекистонимиз иқтисодиётининг мафтункор улкан гулдастасини ташкил этишини кўрамиз. Ундаги ҳар бир “гул” мамлакатимиз равожига ўзи қўшаётган ҳиссаси билан жозибалидир.

Ўз тақдирини мукаммал ўз қўлига олган Ўзбекистон халқларининг, миллатимизнинг келажаги мана шу гулдаста гўзаллигига, унинг тароватига боғлиқ. Эртанги ҳаётимиз, турмушимиздаги рўшнолик, жаҳон майдонидаги ишончли ва мағрур қадамларимиз ҳар дона гул — мулкчилик тури ўз салоҳияти, имконияти, куч-қудратини нечоғлик оқилона ва самарали намоён этиб боришига боғлиқ.

Бунинг учун эмин-эркинлик, соғлом маънавий муҳит, мукаммал шароит сув билан ҳаводек зарур. Кейинги ойларда Президентимиз иқтисодиётни эркинлаштириш вазифасини изчил илгари сураётганликлари, бу эркинликни тўлақонли намоён этиб, бозор муносабатлари жараёнидаги реалликка айлантириш учун жон куйдираётганликларининг боиси шунда. Сўнгги воқеалар — Олий Мажлис сессияси, Идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳакамасининг мажлисида илгари сурилган вазифалар фикримизнинг далилидир.

Ҳеч шубҳа йўқ — мулкчиликнинг барча кўринишларида жонланиш сезилаяпти. Бу ўзимизда ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ва кенг истеъмол буюмлари, машинасозлик, энергетика воситалари кўпайиб бораётганлигида, хизмат кўрсатиш соҳаси кўрсаткичларида, мамлакатимизнинг экспорт имкониятлари кенгаяётганлигида кўзга ташланмоқда. Тадбиркорлик ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, монополистик фаолиятни чеклаш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилган қонунлар, фармонлар ва қарорлар бу жараёнга қанот бағишлаётир. Тадбиркорликнинг барча турлари яратаётган неъматларнинг мамлакатимиз рўзғоридаги салмоғи ортиб бораяпти.

Лекин гулдаста тикансиз ҳам эмас. Айтмоқчимизки, иқтисодиётдаги ислоҳотлар жараёни, бозор муносабатларининг механизмлари, бошқарувнинг деярли барча бўғинлари ҳамон ўзибўларчилик кайфиятидан тўла қутулиб, ўз имкониятларини тўлиқ намоён қилиш учун амалий изланишлар йўлига изчил ва собитқадамлик билан ўтиб олганлари йўқ. Ташаббуссизлик, сийқа фикрлаш, ишдаги юзакичилик, энг ташвишланарлиси — “Хўш, бу ишларнинг ҳаммаси менга нима беради?” қабилидаги ёндашув туфайли бебаҳо вақтлар бой берилмоқда. Шу боис корхоналаримиз чорак-ярим ишламоқда, транспорт занжирида узилишлар, номувофиқликлар кўп, қурилишлар ўлда-жўлда, хизмат соҳаларида — сансалорлик. Натижа эса аён: гап-сўзларимиз, орзу-умидларимиз, режаларимиз билан мавжуд ҳаёт тарзи, ҳақиқий ҳолатлар ўртасидаги фарқлар ер билан осмонча.

Тадбиркорлар, товар ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчилар саъй-ҳаракатларини минг бир “чиғириқ”дан ўтказишга интилишлар қанча! Давлат идораларидаги айрим амалдорларнинг валломатликларичи? Солиқ, санитария, ички ишлар, божхона идораларига ўрнашиб олган баъзи ходимларнинг “зийракликлари”-чи? Эгаллаб турган лавозими даражасида туриб, тадбиркорлик жараёнидаги ҳар бир қадамга шахсий бир илинж билан боқувчи амалдор борки, у ривожимизга тушов, тўғаноқ.

## Эркинлаштириш — тарихий зарурат

Ташаббусни бўғаётган, мулкдорларнинг кўнглини совутаётган жиҳатлар шуларгинами? Аввало, мулкдорлар синфини шакллантириш ҳолатига назар ташлайлик. Бизнес-режасини асослаб, керакли сармояни кредит сифатида олиб, хусусий ишлаб чиқаришни йўлга қўйгунича бўлғуси мулкдор не-не ғовларга, мантиқсизликларга дуч келади.

Маҳаллий ҳокимият идоралари, турли ташкилотлардаги катта-кичик амалдорларнинг аксарияти уларга мўлтираб тикилиши сир эмас. Тушунса тушунди, акс ҳолда, шунақанги важ-карсонлар рўпара қилинадики, тўрачилик ва таъмагирликнинг сирли бу тўрини кўтариб ташлаш учун ҳамма ҳам сабр-бардош топавермайди, енгил-елпи тижорат билан ўзини овутиб юраверади.

Ҳолбуки, биз ўз олдимизга ялпи ички маҳсулот ҳажмида нодавлат корхоналар ҳиссасини кўпайтириш вазифасини қўймоқдамиз. Тадбиркорлар енгил нафас олиб иш юритадиган эркин бозор муносабатларига кенг йўл очмасдан туриб, бу вазифани рўёбга чиқариш мумкин эмаслиги аён. Иқтисодиётни, пул-кредит муносабатларини амалда эркинлаштирмасак, бу яхши ниятлар ниятлигича қолаверади.

Эркинлаштириш — барча мулкчилик турларининг равнақ топиш йўли. Бу жараён янги-янги иш жойлари ташкил этиш, ишсизликка барҳам бериб бориш ҳам демакдир. Бандлик муаммоси ҳал қилинмас экан, рўзғорга барака, турмушда фаровонлик, ҳаётда рўшнолик бўлмайди.

Тадбиркорларнинг сарсон-саргардонлиги фақат корхонани рўйхатдан ўтказиш, орзиқиб кутилган муҳрга эга бўлиш билан чекланса кошки эди! Ғовларнинг баландроғи, мураккаброғи шундан кейин бошланади. Бу ўринда хомашё, ёрдамчи материаллар, ускуналар ишлаб чиқаришни, технология жараёнларини энергия манбаларига улаш мушкулликларини назарда тутаяпман.

Куни кеча тадбиркор бир йигит таҳририятимизга кириб келди. Салфетка қоғоз ишлаб чиқарадиган ускунани электр тармоғига улаб бериш учун мутасадди идорадаги валломат... 400 доллар сўрабди. Эҳтимол, кабель шу идора ҳисобидандир? Линия учун ҳандақ қазишни балки ўша идора бажарар? Қаёқда! ”Бу хизматларга ўзим одам ёллашим керакмиш“, — дейди тадбиркор куйиниб.

Хориж сармоясига мўлжалланган бизнес-режа соҳибларининг ўз орзуларини рўёбга чиқаришга бўлган интилишлари ҳам кўпинча завол топтирилаяпти. Биз Сурхондарёда бўлганимизда, тадбиркорлар палатаси ходимларининг бири биридан мафтункор лойиҳалар ҳақидаги гап-сўзларини эшитган эдик. Шунга ҳам икки йил бўлаяпти. Афсуски, ҳозиргача бу минтақада манамен деб турган биронта қўшма корхона, “жаҳонгашта” тадбиркорлар ҳақида эшитган жойимиз йўқ.

Нега бундай бўлмоқда? Бу саволга Президентимиз лўндагина қилиб жавоб бердилар: аввало, кичик ва ўрта корхоналарни тузиш шартларини соддалаштириш, тадбиркорлик тузилмаларининг хомашё ва кредит заҳираларидан, асбоб-ускуна ва материаллардан доимий фойдалана олиш тартибларини эркинлаштириш даркор. Ва яна кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорликнинг шериклар билан молиявий ҳамда иқтисодий алоқаларида ўзаро манфаатдорликни кучайтирмоқ лозим.

Навоийда бўлганимизда, “Тизол-Н” фирмаси муаммолари бизни чуқур ўйлантириб қўйди. Бу корхона базальт тошларидан экологик тоза, ниҳоятда самарали тола ҳосил қилмоқда. Ундан қурилиш, энергетика корхоналарида, ўров материаллари, киностудиялар ва концерт залларида товушютгич, сув тиндиргич ускуналарида тозалагич сифатида фойдаланиш мумкин. Бу янги маҳсулотни кўплаб ишлаб чиқариш, ҳатто экспорт қилиш мумкин. Лекин ўша пайтлари ички истеъмол бозоридаги яккаҳокимлик бунга тўғаноқ бўлиб келмоқда экан. “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталарида эълон қилинган мақолалар ана шу муаммонинг ечилишига кўмаклашди. “Тизол-Н” “Ташаббус-99” республика кўригида муваффақиятли қатнашиб, ўз маҳсулотини намойиш қилди.

Бундай мисоллар ягона эмас. Бундай ҳолларни инкор этиш, вужудга келган аҳволни чуқур таҳлил қилиб, кескин, амалий чоралар кўрмаслик, баландпарвоз чақириқлар ва даъватлар билан чекланиб, ўз-ўзига сервар бўлиб юриш вақти ўтди. Тадбиркорлик таркибларини уларнинг хўжалик фаолиятига асоссиз аралашувлардан ҳимоялаб, ишга халақит берувчи ҳар қандай назорат жараёнларини қатъий чеклаш вақти келди. Ташаббусни бўғаётган, мулкдорларнинг иштиёқини сўндираётган ҳолатларни чинакамига бартараф этиш долзарб вазифа бўлиб қолди.

Бу йўлдаги тўрачилик ва таъмагирлик ботқоғини мутлақо қуритмоқ даркор. Тадбиркорнинг ҳар қадамига кўз тикадиган олғир ва юлғич мансабдорларнинг чўзиқ қўлларини қонун кучи билан қайириб ташлаш лозим. Аввало, оммавий ахборот воситалари — радио, телевидение, матбуот миллатимиз юзига доғ бўлиб ёпишгувчи бундай иллатларга қарши ўз таъсирчан кучини намоён этмоғи зарур. Ижодкорлар майда-чуйда, маиший мавзудаги мақолалар, кўрсатув ва эшиттиришлар ўрнига иқтисодиётимиздаги, ҳаётимиздаги иллатларни рўй-рост кўрсатишлари керак. Умумий гаплар, “билса — ҳазил, билмаса — чин” қабилидаги ижод билан кифояланиш бугунги камчиликларимиз билан муросасозлик, иллатларимизни хаспўшлашдан бошқа нарса эмас. Шундай қилайликки, токи, манфаатпарастлар маҳалла-кўйда, жамоат орасида яққол кўринсин. Шундагина биз иқтисодиётни равон йўлга олиб чиқа оламиз.

Биз ишлаб чиқариш — хўжалик фаолиятини тўла ва кенг кўламда эркинлаштирсак, хорижий сармоядорлар билан ҳамкорлигимизни, хусусий тадбиркорликни жўшқинлаштириб, ташаббусга, янгиликка интилиш иштиёқига қудратли қанот бағишлай оламиз. Бунинг учун, аввало, мақсадли, бевосита йўналтирилган сармояларни жалб этишнинг қулай ҳуқуқий шарт-шароитларини яратишимиз керак. Салоҳиятли, ишончли хорижий шериклар билан фаол ва изчил ҳамкорлик — рақобатбардош, харидоргир маҳсулотлар ва хизматлар турини кўпайтириш, уларни ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг ҳал қилувчи шартидир. Бу йўл тадбиркорларимизда ўз кучига, бошлаётган ишининг натижасига ишончни кучайтиради. Бундай ишончсиз, ҳардамхаёллик билан долзарб иқтисодий вазифаларни тўла-тўкис уддалаш мумкин эмас. Бундай ишонч иқтисодиётимиз гулдастасини бутун мафтункорлиги, жозибадорлиги билан намоён қилиш йўлини равонлаштиради, Ўзбекистонимизни тараққиётнинг янги босқичига кўтаради.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**

**Пано ХЎЖАЕВ, хусусий тадбиркор:**

***— Тўсиқлардан яна бири — расмиятчилик ҳаддан зиёд кўпайиб кетаяпти. Мисол учун, мен пойтахтимиздаги «Аския» бозорида хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаман. Мана шу савдо шохобчасининг патенти ўзимнинг номимда. У ёқ-бу ёққа чиққанимда ёхуд иссиқ жон — касал бўлсам, ўғлимми, турмуш ўртоғимми савдо қилса, солиқчилар келади-да, жарима солади. Нима эмиш, мумкинмасмиш.***

***Ёки мана биз карвонсаройлар, улгуржи бозорлардан мол олиб келамиз. Йўлда ДАН ходимлари тўхтатишади, сифат сертификати сўрашади. Унинг нусхасини кўрсатамиз. Йўқ, бўлмайди. Асл нусхаси керак. Энди уларга асл нусха ўша улгуржи бозорда, биз мол олган кишида қолишини тушунтириб кўринг?***

***Хўп, бир амаллаб тушунтирдик (балки бошқача йўл билан) ҳам дейлик. Энди чек, сўнг лицензия сўрайди. Уларни ҳам кўрсатамиз. Барибир қўйиб юбормайди. Тирноқ остидан кир қидиришади. Ҳам вақтингиз кетаётганидан, ҳам асабингиз бузилаётганидан яна ўзингиз йўлини топиб, бу «муаммо»ни ҳал қиласиз.***

***Кеча Юртбошимиз назорат органларидаги таъмагирлик ҳалиям барҳам топмаётганлиги, мавжуд тизимлар тўлақонли ишламаётганлиги ҳақида куюнганларида, юқоридагилардай баъзи тескари ишлайдиган «система»лар кўз олдимга келди.***

## ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ



Ўзбекистон билан Буюк Британия ҳамкорлигида Ғазалкентда ташкил этилган «Конмит» қўшма корхонаси фаолият кўрсата бошлаганига унча кўп бўлгани йўқ. Лекин қисқа вақт ичида корхона ўз маҳсулотларининг юқори сифати ва харидоргирлиги билан эътибор қозонди. Айни пайтда бу ерда 20 турга яқин печенье маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Бу йилнинг дастлабки ойи натижалари корхона ишлаб чиқариш қуввати кундан-кун ортиб бораётганини кўрсатмоқда. Масалан, январ ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 100 тоннага яқин кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ҳозир қўшма корхонада 260 нафар маҳаллий йигит-қизлар меҳнат қилмоқда. Уларнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча қулайликлар яратилгани муваффақиятлар омили бўлмоқда.

**СУРАТЛАРДА: оператор Бўстонгул Абдураимова; илғор ишчилар Зарифа Мирзараимова ва Галина Лгачёва иш устида.**

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**



# «ЎЗБЕКИСТОН: ДАВЛАТ ВА УНИНГ ЙЎЛБОШЧИСИ»




Саккиз йиллик мустақил тараққиёт даврида Ўзбекистон Республикаси ўз ташқи сиёсатини шакллантиришнинг муҳим босқичини босиб ўтди ва халқаро муносабатларнинг янги, кўп қутбли тизимини яратиш жараёнида фаол иштирок этмоқда. Жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш шароитида мустақил мамлакатдаги давлат қурилиши ва миллий тикланиш жараёнлари Европа ва Америка, Осиё ва Яқин Шарқдаги унинг янги халқаро ҳамкорларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Хорижий кузатувчиларнинг фикрича, кучли демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлида катта муваффақиятларга эришган Ўзбекистон қисқа вақт ичида нафақат дунё сиёсатининг тенг ҳуқуқли ва фаол субъектига, балки минтақавий хавфсизлик ва барқарорликнинг таянчига, Марказий Осиё билан ташқи дунё ўртасидаги асосий боғловчи бўғинга айланди. Сўнгги йиллар давомида хорижий мутахассислар томонидан “Ўзбекистон — Марказий Осиёнинг “ўзак” давлати”, деб кўп бор айтилган бу фикр “Ўзбекистон: давлат ва унинг йўлбошчиси” номли китоб саҳифаларида бугун яна таъкидланмоқда. Китоб 1999 йилда Миср Араб Республикаси Қоҳира шаҳридаги “аш-Шурук” нашриёти томонидан араб тилида чоп этилган. Бугунги кунда ўзбек ва рус тилларига таржима қилиниб, Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси томонидан нашрга тайёрланган ва “Ўзбекистон” нашриётида босмадан чиққан бу асар китобхонлар эътиборига ҳавола этилмоқда.

Ўзбекистон ва унинг йўлбошчиси Ислом Каримовга бағишланган бу китоб нуфузли мисрлик тадқиқотчилар — Қоҳира университети қошидаги Осиё тадқиқотлари маркази директори М.Салим, марказнинг илмий ходими, доктор И.Арафот ҳамда ўзбекистонлик таниқли олимлар — Ўзбекистон Республикаси ФА мухбир-аъзоси, профессор Н.Иброҳимов ва доктор С.Иноғомов қаламига мансуб.

Мисрда илк бор Ўзбекистон ҳақида бундай фундаментал асарнинг пайдо бўлишига мамлакатимизнинг маданий-тарихий, сиёсий ва иқтисодий ривожланишини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш замин ҳозирлади. Шубҳасиз, Миср Араб Республикаси каби араб-мусулмон оламининг нуфузли мамлакати университетларидан бирида яратилган бу китоб барча араб давлатларидаги мутахассислар ва кенг китобхонлар оммасига Ўзбекистоннинг тараққиёти ва унинг ташқи дунё билан муносабатлари ҳақидаги қизиқарли ва кўп жиҳатдан янги маълумотлар беради. Энг муҳими, асар Марказий Осиё минтақаси ва жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимиз тутган муҳим ўринни холисона баҳолаш учун қўшимча мезонлар беради. Китоб муаллифлари уларнинг ташаббуси бутун араб оламида Ўзбекистоннинг аввалгидан кўра кенгроқ ва чуқурроқ ўрганилишига асос бўлишига умид билдиради.

“Ўзбекистон: давлат ва унинг йўлбошчиси” китобида мамлакатимиз араб ҳамжамиятининг нигоҳи орқали намоён бўлади. Унинг саҳифаларида халқаро ҳамкорлар томонидан Ўзбекистонга қизиқишнинг ортиб боришини, мамлакатимизнинг минтақада ҳал қилувчи аҳамиятга эга, кенг сиёсий майдондаги мустақил куч сифатида тан олинишини кўриш мумкин. Жаҳоннинг катта ва стратегик жиҳатдан муҳим қисми бўлган араб давлатларининг бундай эътирофи аҳамиятини алоҳида таъкидлаш зарур.

Китоб муаллифлари бундай муносабатларни ривожлантириш ва чуқурлаштириш асосини ўзбек ва араб халқлари ўртасидаги асрлар давомида мавжуд бўлган тарихий, маданий ва маънавий алоқалар билан боғлайди. VII-VIII асрлардан бошлаб араб дунёсига бу минтақа халқларининг бой фалсафий анъаналари, илмий ютуқлари ва ўзига хос маданияти таъсир кўрсатди. Имом ал-Бухорий, ат-Термизий, Нақшбанд, Хўжа Аҳмад Яссавий, ал-Хоразмий ва бошқа кўплаб алломалар ислом фалсафасининг тараққиётига ва жаҳон маданиятини бойитишга катта ҳисса қўшди. Бугунги кунда араб мамлакатлари бу алоқаларни тиклаш ва давлатлараро муносабатларни янги босқичга кўтариш йўлида саъй-ҳаракатлар олиб бормоқда. Бу фикрлар китобда тўлиқ ифодасини топган. Балки шу сабабдан унда Ўзбекистоннинг бутун дунёда ижобий баҳоланаётган маданий ва маънавий тикланишига бу қадар эътибор берилган.

Китобда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг шахсий ташаббуси ва хатти-ҳаракати туфайли, миллий қадриятларни тиклаш, шу жумладан, жамиятда маданий ва маънавий бойликка тубдан янги муносабатни шакллантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланганлиги таъкидланади. Бу сиёсат Ўзбекистонга ижтимоий тараққиёт ва янгиланиш, бутун жаҳон маданиятининг ажралмас қисми бўлган миллий мероснинг энг қимматли бойликларини эгаллаш борасида янги истиқболларни очди.

Арабистонлик ҳамкорларнинг мамлакатимиз халқлари маънавий ҳаётига ва миллий анъаналарига сингиб кетган ислом қадриятларини тиклашга доир нуқтаи назари алоҳида эътиборга молик. Китоб яна бир бор Ўзбекистондаги исломий анъаналарга ақидапарастлик ва экстремизм хос эмаслигини кўрсатади. Зеро, бу иллатлар тинчликсеварлик, инсонпарварлик, тараққиёт ғоялари, ижтимоий адолат, шахснинг эркин ривожланиши ва такомиллашишини тарғиб этувчи исломнинг юксак идеалларига зиддир. Ўзбек давлатининг динга унинг жамият маънавий-ахлоқий ҳаётидаги муҳим аҳамиятини тан олишга асосланган янгича муносабати араб дунёсида ҳурмат билан эътироф этилди.

(Давоми 2-бетда).

**Тошкентда Наврўз кунларида бўлиб ўтадиган байрам концертида юзга яқин хоразмлик санъат усталари қатнашади. Улар қадимий ўлканинг асрий анъаналарини ўзида мужассамлаштирган дастур тайёрламоқда.**

## ҚАДИМИЙ БАЙРАМНИНГ ЯНГИЧА ТАРОВАТИ

Вилоятнинг ўзида ҳам Наврўз байрамига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Байрам тантаналари ташкилотчилари Урганчдаги Жалолиддин Мангуберди хотира мажмуасида бир ярим соатлик концерт уюштиришни мўлжалламоқда. Бу концертда ниқобли театр чиқиши режалаштирилган. Бу жанр замонавий саҳна санъати учун нисбатан янги бўлса-да, бироқ аслида Хоразмда асрий тарихга эга.

Вилоятнинг Наврўзга тайёргарлик кўриш ва нишонлаш бўйича ташкилий қўмитасининг биринчи йиғилишида байрам тантаналарининг ўзига хос жиҳатлари муҳокама қилинди. Унда вилоят шаҳарлари ва туманлари ҳокимлари ўринбосарлари, маданият намояндалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

**Т. ШАМАКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# АЁЛЛАР ҲУҚУҚИ, ТАРАҚҚИЁТ ВА ТИНЧЛИК

***Женевада, БМТнинг минтақавий офисида Европа иқтисодий комиссиясининг Иқтисодиёт ва Ижтимоий кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда БМТ Бош Ассамблеясининг махсус сессиясига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Сессияда Пекин ҳаракат платформаси — аёллар аҳволини яхшилаш ва жамиятда уларнинг мавқеини ошириш бўйича ўзига хос халқаро дастурнинг ижроси муҳокама қилинади. БМТ Бош Ассамблеясининг шу йил 5-9 июн кунлари ўтказилиши мўлжалланаётган махсус сессияси аёлларнинг 2000 йилдаги аҳволи, аёллар ва эркаклар тенглиги, XXI асрдаги тараққиёт ва тинчлик мавзуига бағишланади.***

Бу учрашувда 52 та мамлакат делегацияси, ЮНИСЕФ, ЮНИФЕМ, ЮНЕСКО, ПРООН каби нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Диловар Қобулова республикамиз вакиласи сифатида иштирок этди.

**— Учрашув кун тартибидаги энг асосий масала — Пекин ҳаракат платформасида қандай вазифалар ва мақсадлар белгиланган?**

— Пекин ҳаракат платформаси 1995 йилда Пекинда Бутунжаҳон хотин-қизлар конференциясида қабул қилинган эди. Ўшанда дунёнинг 189 та мамлакати, шу жумладан, Ўзбекистон вакиллари Пекин ҳаракат платформаси — аёллар аҳволини яхшилаш ва уларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш дастурини қабул қилган эди. Мазкур Платформага мувофиқ ушбу давлатлар вакиллари ўз зиммаларига бу борадаги устуворликларни белгилаш масъулиятини олди, уларни ижро этиш механизмларини ишлаб чиқди, тегишли ресурслар ва маблағ ажратди. Ишлаб чиқилган механизмлар ҳукумат органлари томонидан тасдиқланди. БМТнинг аёллар аҳволини яхшилаш билан шуғулланувчи бўлинмалари ноҳукумат ташкилотлар, аввало, аёллар ташкилотларини миллий, минтақавий ва халқаро миқёсда бу жараёнга ўз ҳиссасини қўшишга ундамоқда.

Кун тартибидаги асосий масала — аёллар аҳволини яхшилаш ва уларнинг тенг ҳуқуқлигини таъминлаш бўйича миллий механизмларга бағишланди. Учрашув иштирокчилари аёллар аҳволини яхшилаш бўйича миллий механизмлар ҳукуматнинг мувофиқлаштирувчи таркибий қисмига айланиши керак, деган хулосага келди. Бу миллий механизмнинг асосий вазифаси ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида тенглик тамойили қарор топишини давлат миқёсида қўллаб-қувватлашдан иборат.

**— Мазкур учрашувдаги бевосита иштирокингиз ҳақида сўзлаб берсангиз.**

— Менинг маърузам мамлакатимизда қабул қилинган Ўзбекистонда аёллар аҳволини яхшилаш, уларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш бўйича миллий платформанинг амалга оширилишига бағишланди. Унда Миллий платформа ижросининг умумий шарҳи, шунингдек, айрим йўналишлар таҳлили келтирилган, мамлакатимизнинг бу борадаги ютуқлари ва айрим муаммолар хусусида фикр юритилди. БМТ Ассамблеясига “Гендер ва тараққиёт” бюроси “Ўзбекистонда аёллар аҳволини яхшилаш ва уларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш бўйича Миллий платформа. Уни амалга оширишнинг асосий чора-тадбирлари”, “Ўзбекистон Республикасида амалиётда қўлланиладиган қонунчилик шарҳи”, “Ўзбекистондаги аёллар ҳуқуқлари” каби ҳужжатларни, оиланинг ҳуқуқий асослари тўғрисидаги қонунлар тўпламини тайёрлаб берди. Учрашув иштирокчилари аёлларимизга республикамизда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган туб ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ижобий таъсир кўрсатаётганини юқори баҳолашди, аёлларнинг аҳволини яхшилаш борасидаги ютуқларни, аёллар ўртасида иш билан бандлик ва ижтимоий мавқеининг юқори даражасини қайд этишди.

Женевада таъкидлангандек, Ўзбекистонда аёллар аҳволини яхшилаш бўйича энг самарали миллий механизм яратилган. Зеро, собиқ Иттифоқ давлатлари орасида фақат бизнинг республикамиздагина аёлларнинг барча ижтимоий имтиёзлари сақланиб қолинди. Шунингдек, ҳар йили ҳукуматимиз улар учун янгидан-янги имтиёзлар ва имкониятлар яратмоқда.

**Зуҳра УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

АЖАБО!

# МУЛОҚОТ АВГУСТГАЧА КЕЧИКТИРИЛАДИ

Маълумки, таҳририятимиз йил бошида ўз режалари ҳақида газетхонларга ҳисоб берган эди. Ижодий ниятлар орасида «Ҳокимнинг бир куни» деган янги рукнни очиш ҳақида ҳам сўз кетганди. Мақсадимиз ҳокимларнинг беҳаловат фаолияти орқали ислоҳотларнинг боришини ёритиш эди.

Шу ниятларни дилимизга тугиб, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлагановга ёзма мурожаат қилдик. Зотан, бу эзгу ишни мамлакатимиз пойтахтидан бошлашимизнинг сабаби тушунарли бўлиб, Тошкент жамики бунёдкорлик ишларида намуна бўлаётганлиги кўриниб турган ҳақиқатдир.

Биз Козим Носировичдан ўзлари учун қулай фурсатни белгилашни сўраган эдик. Шу боис ҳоким ташаббусини кутиб юрган кунларимизда у кишидан эмас, ўринбосарлари имзоси билан қуйидаги жавобни олдик.

**«Тошкент шаҳар ҳокими К.Н. Тўлаганов газеталар таҳририятининг янги режаларини қўллаб-қувватлашини мамнуният билан билдирди.**

**К.Н. Тўлаганов фикрича, шаҳар ҳокимининг иш фаолияти билан газетхонларингизни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кунининг 9 йиллиги арафасида — 2000 йил август ойи бошларида таништириш мақсадга мувофиқ. Чунки шу вақтда пойтахтда ушбу сана муносабати билан режаланган бунёдкорлик ишлари ва кенг кўламли тадбирларни атрофлича ёритиш имкони бўлади.**

**К.Н. Тўлаганов «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таҳририятининг Тошкент шаҳар ҳокимлигига эътиборига яна бир бор миннатдорчилик билдиради.**

Сизга самимий ҳурмат билан,

**Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Э.М. ЭРНАЗАРОВ».**

Демак, Тошкент шаҳар ҳокимининг амалий фаолияти билан танишиш, ўринбосарнинг хатига биноан, август ойигача кечиктирилади. Газетхонга сабр-тоқат тилаймиз.

# ЁВУЗЛИККА ҚАРШИ ОГОҲЛИК

Бундан бир йил муқаддам Тошкент марказида рўй берган қўпорувчилик ҳаракатлари юрагимиз ва хотирамизда ўчмас қора из қолдирди. Бу воқеа 16 юртдошимиз хонадонига кутилмаган оғир йўқотиш, юртимизга эса нотинчлик олиб келди. Ўшанда турфа миш-мишлар туғилди. Террорчиларнинг кимлиги ҳақида ҳам турли хил тахминлар айтилди. Аммо мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, хавфсизлик хизмати ходимларининг тезкор ҳаракатлари туфайли жиноятчиларнинг асосий қисми қўлга олинди ва қилмишларига яраша жазоланди.

Террорчилар шу қабиҳ йўл билан халқ орасида ваҳима туғдиришни, парокандалик уйғотишни кўзлаган эдилар. Аммо портлаш содир бўлганидан кейин орадан кўп вақт ўтмай Йўлбошчимиз ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, Мустақиллик майдонига етиб келганлиги ва халқимизни якдиллик ва ҳамжиҳатликка даъват этганлиги кўнгилларга тоғдек далда бўлди. Террорчилар ва улар ортида турган қора кучларнинг режалари саробга айланди.

Орадан бир йил ўтди. Экстремистик кучлар минтақамиздаги барқарорликни издан чиқариш борасидаги қабиҳ режаларидан ҳамон қайтганлари йўқ. Ўтган йил кузида Қирғизистонда ва йил охирида Янгиобод шаҳрида рўй берган воқеалар бунга далил бўла олади. Хўш, террорчиларнинг мақсади нима? Улар нега ўз ватандошларининг қонини тўкишдан ҳам ҳайиқмаяптилар?

Кейинги кунларда хориж матбуотида эълон қилинган бир қатор мақолалар бу саволларимизга жавоб бўла олади. Масалан, Москвада нашр этиладиган «Независимая газета»нинг 3 феврал сонида эълон қилинган «Экстремизмнинг қўрқинч қиёфаси» номли мақолада террорчиларнинг МДҲ доирасидаги ҳаракатлари ва уларнинг ҳомийлари ҳақида фикр юритилган. Унда ёзилишича, террорчилар Покистон, Афғонистон, Туркия, Саудия Арабистони ва бошқа бир қатор араб давлатларидаги экстремистик ташкилотлар ва айрим шахслар томонидан маблағ билан таъминланмоқда. Мақолада бундай ташкилот ва шахсларнинг номлари ҳам айтиб ўтилган.

Афғонистондаги «Толибон» ҳаракати ва АҚШ томонидан биринчи даражали террорчи деб эълон қилинган Усама бин Ладен ана шундай ҳомийлар сирасига киради. Газетанинг ёзишича, ўтган йили августда Усама бин Ладен Бирлашган Тожик муҳолифати вакиллари орқали Қирғизистонга суқулиб кирган террорчиларга 130 минг доллар берган. Ушандан бир оз кейин Карачи шаҳрида Покистон, Саудия Арабистони, Қувайт, Иордания, Миср, Кашмир ва Чеченистондаги жангариларнинг вакиллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтган. Унда ҳаракатларни мувофиқлаштириш, Чеченистон, Кашмир жангариларига ва Тоҳир Йўлдошев бошчилигидаги террорчиларга йирик маблағ ажратишга қарор қилинган.

Ғарб матбуотининг ёзишича, Усама бин Ладен ҳозирги пайтда дунёдаги 50 дан ортиқ диний-экстремистик ташкилотни маблағ билан таъминлаб турибди. Унинг мақсади «Бирлашган Ислом давлати» қуриш эмиш. Бунинг учун «Жаҳон ислом инқилоби» амалга оширилиб, XXI асрда Осиё, Африка ва Европадаги 50 мамлакат, кейинчалик, Шимолий ва Жанубий Африка, Австралия ва ҳатто Гренландия ислом давлати таркибига кирар эмиш. 2100 йилда ер курраси ягона Ислом давлати – халифаликка айланар эмиш. Бу «режа»ни амалга ошириш учун қанча қон тўкилиши кераклигини ўзингиз тасаввур қилиб кўраверинг. «Жаҳон ислом инқилоби» ҳақидаги сафсаталарнинг 1917 йилда амалга оширилган «Қизил инқилоб»дан нима фарқи бор? Коммунистлар ҳам бутун дунёга большевизмни ёйишни режалаштирган эдилар. Бу мантиқсиз, хом хаёл маҳсули неча миллион одамнинг ҳаётига зомин бўлганини ҳаммамиз яхши биламиз.

Гарчи «Жаҳон ислом инқилоби» ғояси мантиқсиз бўлиб туюлса-да, аҳолининг саводсиз, ночор қисмидан хайрихоҳлар топаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Террорчиларнинг ҳомийлари асосий эътиборларини Марказий Осиёга қаратаётганлари бежиз эмас. Улар мустақил республикалардаги ўтиш даври қийинчиликларидан фойдаланиб қолишга уринмоқдалар. Турли хил варақалар, миш-мишлар тарқатмоқдалар. Тожикистон билан Қирғизистон чегараси ва Афғонистоннинг Шимолий ҳудудлари орқали бутун минтақага таҳдид солишга уринмоқдалар.

Қирғизистон хавфсизлик кенгаши котиби Болот Жонузоқов яқинда «Кабар» агентлигида бўлиб ўтган брифингда 700 кишилик террорчилар гуруҳи ҳамон Тожикистоннинг чегарадош ҳудудларида турганлигини ва бу Қирғизистон хавфсизлигига жиддий таҳдид солаётганлигини таъкидлади.

Кейинги пайтда Қирғизистон жанубида диний-экстремистик руҳдаги варақа, китоб ва журналлар тарқатиш ҳоллари тез-тез учраб турганлиги минтақа учун бундай хавф сақланиб қолаётганлигини кўрсатиб турибди.

Бугунги кунда терроризм давримизнинг энг хатарли ҳодисасига айланиб қолди. Миср, Туркия, Жазоир, Исроил, Ҳиндистон каби мамлакатлар неча йиллардан бери бу офатга қарши курашиб келадилар. Яқинда Жазоирда 20 араб мамлакати ички ишлар вазирлари тўпланиб, терроризмга қарши курашда кучларни бирлаштириш ҳақида келишиб олдилар, БМТнинг шу мавзуда халқаро конференция чақириш ҳақидаги таклифини қўллаб-қувватладилар.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг ўтган йил ноябр ойида Истанбул шаҳрида бўлиб ўтган ЕХҲТ анжуманида бу борада билдирган фикрлари, терроризмга қарши кураш бўйича Халқаро марказ тузиш таклифи нақадар ўринли бўлганлигини воқеликнинг ўзи исботлаб турибди. Бу таклиф МДҲ давлат раҳбарларининг йиғилишида ҳам тўла қўллаб-қувватланди. Шу йил баҳор ойларида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Россия ҳарбий қисмлари иштирокида ўтказиладиган «Ҳамдўстликнинг жанубий қалқони — 2000» машқлари террорчиларнинг хуружларига муносиб жавоб бўлади.

Юртбошимиз иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузасида таъкидлаганидек, «Биз ислом дини ота-боболаримиз дини эканини, у биз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканини доимо юксак қадрлаймиз... Айни пайтда муқаддас динимиз шаънига доғ туширмоқчи бўлган, ундан ғаразли сиёсий мақсадларда фойдаланишни истайдиган кимсалар ва кучлар билан ҳеч қачон муроса қилолмаймиз».

Мамлакатимизда диний экстремизмнинг йўлига ишончли ғов қўйиш борасида амалга оширилаётган ишлар барчамизга яхши маълум. Аммо хавф-хатарни камайтириш, юртимиз тинчлик-осойишталигини таъминлашнинг муҳим шарти фуқароларимизнинг якдиллиги ва ҳушёрлигидир. Биз агар ҳаётнинг ҳар жабҳасида фаол бўлсак, улуғ неъмат — мустақиллигимизни эъзозлаб, бунёдкорлик ва маърифат сари интилсак, иқтисодиётимизни мустаҳкамлаб, жаҳон ҳамжамиятидан мустаҳкам ўрин эгаллаcак, хурофот бандалари ҳеч қачон бизнинг тинч ҳаётимизга, хавфсизлигимизга, ҳудудларимиз дахлсизлигига таҳдид қилолмайди.

**Насриддин МУҲАММАДИЕВ.**


## «ЎЗҚИШЛОҚЭЛЕКТРҚУРИЛИШ»

**очиқ турдаги акционерлик жамияти**

**2000 йил 23 мартда**

**акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказади.**

**Йиғилиш қуйидаги манзилда бўлиб ўтади: Самарқанд шаҳри, Миршарапов кўчаси, 7-уй.**
**Акциядорларни рўйхатга олиш соат 8.00 да бошланади.**
**Мажлис акциядорлик жамияти мажлислар залида соат10.00 да бошланади.**

### КУН ТАРТИБИ:

1. *«Ўзқишлоқэлектрқурилиш» акционерлик жамиятининг 1999 йил иш фаолияти тўғрисида ҳисобот ва 2000 йил вазифалари тўғрисида.*
2. *Акционерлик жамиятининг 1999 йил ҳисоботи ва йиллик балансини тасдиқлаш.*
3. *Тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлаш.*
4. *Дивиденд миқдори ва уни тўлаш тартибини тасдиқлаш.*
5. *Бошқа масалалар.*

**Маълумотлар олиш учун телефон 8(366-2) 22-71-35**

**Кузатув кенгаши.**

**«ЎЗҚИШЛОҚЭЛЕКТРҚУРИЛИШ» ОТАЖнинг 2000 йил 1 январга бўлган баланси.**

минг сўм ҳисобида

| Кўрсаткичларнинг номи | Актив | Пассив |
|---|---|---|
| *Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати* | *73245* | |
| *Капитал қўйилмалар* | *4443* | |
| *Ишлаб чиқариш заҳиралари* | *226569* | |
| *Пул маблағлари ва қимматли қоғозлар* | *22036* | |
| *Дебитор ва кредитор қарзлар* | *114963* | *135031* |
| *Бюджет бўйича қарзлар* | | *36783* |
| *Ижтимоий суғурта ва таъминот бўйича қарзлар* | | *36942* |
| *Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар* | | *20360* |
| *Устав капитали* | | *62037* |
| *Резерев капитал* | | *86040* |
| *Тақсимланмаган фойда* | | *64063* |
| *БАЛАНС* | *441256* | *441256* |

**1999 йил учун барча солиқлар тўлангандан кейин қолган соф фойда 12086 м.с.**

2557


## ТЕХНИКА МАВСУМГА ШАЙ

Бултур пахта тайёрлаш режасини пойтахт вилоятида иккинчи бўлиб ошириб бажарган оққўрғонлик заршуносларнинг бу йилги нияти янада улкан. Улар 14 минг гектар майдонда ғўза парваришлаб, давлат қабул пунктларига 39 минг тонна қимматли саноат хомашёси етказиб беришга аҳд қилган. Шу мақсадда туман хўжаликларида баҳорги экиш мавсумига пухта ҳозирлик кўрилаётир. Айни пайтда бу ерда ички ариқ-зовурларни тозалаш ниҳоясига етказилмоқда. Бунинг учун 21 экскoватордан унумли фойдаланилмоқда.

Туманда мавжуд барча экиш агрегатлари мавсумга олдиндан шай қилиб қўйилди. Бунда ишчи ва механизаторларга зарур иш шароити яратиб берилгани муҳим омил бўлди. Бу борада "Маданият", "Озод", "Оққўрғон", Охунбобоев, Сегизбоев номидаги хўжаликларда амалга оширилаётган ишлар айниқса диққатга сазовордир.

## «МУСТАҚИЛ ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ»

Яқинда Сурхондарё вилоятидаги Ғафур Ғулом номли марказий кутубхонада «Соғлом авлод – Ўзбекистон келажаги» деб номланган адабий кеча бўлиб ўтди. «Соғлом авлод йили»га бағишланган мазкур тадбирда Термиз шаҳридаги 9 ва 13-ўрта мактаблар ўқувчилари иштирок этишди.

Кутубхона бош услубчиси Тўрабек Шамсиев Президентнинг сессияда сўзлаган нутқи юзасидан ўқувчилар билан ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди. Тадбир давомида ўқувчилар Ватан, Она, Ўзбекистон ҳақида шеърлар айтишди, шунингдек, кутубхона маъмурияти томонидан ташкил этилган викторина саволларига жавоб бериб, ўз билимларини синаб кўрдилар. Фаол иштирокчилар эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Кеча сўнггида «Мустақил юрт фарзандларимиз» деб номланган китоблар кўргазмаси намойиш қилинди.

**Садбархон ЖЎРАЕВА.**

## ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузасида илгари сурилган ғояларни ёшлар онгига чуқурроқ сингдириш, шунингдек, уларнинг мустақиллик йилларида эришилган тажрибалар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, таклифларини ўрганиш, фикрлаш кўникмаларини рағбатлантириш, интеллектуал салоҳиятларини Ватан, Миллат равнақи йўлидаги эзгу ишларга йўналтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш «Улуғбек» жамғармаси

**«Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз»**
**мавзусида ўқувчи, талаба ва аспирантларнинг энг яхши иншо ва рефератлари учун ўқув юртлариаро республика кўрик-танлови ўтказилишини эълон қилади.**

Танловда республика олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг барча ўқувчи, талаба ва аспирантлари қатнашишлари мумкин.

**Мазкур кўрик-танлов қуйидаги мавзулар бўйича ўтказилади:**

1. *Демократик қадриятлар ва уларнинг моҳияти.*
2. *Эркинлик — бахтли яшаш манбаи.*
3. *Ёшлар — буюк келажак пойдевори.*
4. *Соғлом авлод — жамият таянчи.*
5. *Миллий ғоя ва миллий мафкура — менинг тақдиримда.*
6. *Ташаббуссиз яшаб бўлмас.*
7. *Хавфсизликни мен қандай тушунаман?*
8. *Ватан — миллат бешиги.*
9. *Бозор иқтисодиёти — фаровон ва эркин яшаш манбаи.*
10. *Давлатим — савлатим менинг.*
11. *Қонун бор жойда эркинлик бор.*
12. *Тенглар ичида тенг яшаш — бизнинг мақсадимиз.*
13. *Комил инсон — жамият кўрки.*
14. *Ёшлар — буюк давлат келажаги.*
15. *Тинчликсеварлик — миллатим сифати.*
16. *Ота-онам — фахрим менинг.*
17. *Биз замоннинг фидойиларимиз.*
18. *Ёниб яшаш — менинг мақсадим.*
19. *Тадбиркорлик — фаровонлик манбаи.*
20. *Фаровон ҳаёт — бизнинг идеалимиз.*
21. *Она — энг комил инсон.*

Ишлар юқоридаги мавзулардан бири бўйича иншо ва реферат шаклида ёзилиши, шунингдек, ўқув юртида ташкил этиладиган илмий-амалий семинар ёки анжуманда маъруза сифатида ўқилиши ҳам мумкин.

Биринчи ўринни эгаллаган ёзма иш муаллифи (илмий раҳбари кўрсатилган ҳолда) танловнинг якунловчи босқичида иштирок этиш учун жорий йилнинг 20 февралидан 1 майига қадар республика «Улуғбек» жамғармасига тақдим этилади.

**Энг яхши деб топилган иншо ва рефератлар вазирлик томонидан махсус тўплам шаклида нашр этилади.**

**Ғолиб чиққан муаллифлар республика «Улуғбек» жамғармасининг қуйидаги пул мукофотлари ва дипломлари билан тақдирланади:**

1. **Иккита биринчи ўрин учун ҳар бири — 30000 сўмдан.**
2. **Олтита иккинчи ўрин учун ҳар бири — 20000 сўмдан.**
3. **Ўнта учинчи ўрин учун ҳар бири — 15000 сўмдан.**

**Танловга марҳамат!**

**Манзилимиз: 700027, Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 1-уй, «Улуғбек» жамғармаси бошқаруви.**
**Маълумот учун телефонлар: 45-23-48, 45-96-96, 45-24-57.**

2561

Қўшхабар

## ТАДБИРКОР РАҚОБАТГА КИРИШДИ

Оққўрғон туманида хусусий Машина-трактор парки /МТП/ иш бошлади. Тадбиркор Йўлдош Дўлонов ўзининг "Мурод" хусусий фирмаси қошида ташкил этган бу корхона асосан деҳқон-фермер хўжаликларига техника хизмати кўрсатиш мақсадида очилган. Мазкур корхона ҳозирданоқ туман Машина-трактор парки давлат акциядорлик жамияти билан эркин рақоботга киришмоқда. Тўртта "КА-7ОО", учта оддий ҳайдов трактори ҳамда бир неча бошқа қишлоқ хўжалик техникаси ёрдамида мижозларнинг буюртмаларини бажариб бера бошлади. Эътиборли томони шундаки, таклиф этилаётган хизматлар бу ерда арзон ва сифатли амалга оширилади. Масалан, "Маданият" хўжалиги хусусий МТП хизматларидан фойланиб кузги-қишки мавсум давомида тўрт миллион сўмдан ортиқ маблағни иқтисод қилиб қолди.

**Н. ДУШАЕВ, ЎзА мухбири**


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАН ВА ТЕХНИКА ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ

**Маънавият ва маърифат соҳасидаги 1998-2000 йилларда босилган энг яхши монография, дарслик ёки ўқув қўлланмасига**

**2000 ЙИЛ ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Танловнинг мақсади:** *маънавият ва маърифат соҳасидаги муҳим илмий изланишларни рағбатлантириш.*

**Танлов ғолиблари:**

дипломлар ва **200,0 минг сўм (1-ўрин), 100,0 минг сўм (2-ўрин) ва 50,0 минг сўм (3-ўрин)** пул мукофотлари билан тақдирланадилар.

**Танлов шартлари**: ҳужжатларни тўлдириш ва топшириш билан ЎзР ФТДҚ, ЎзР Фанлар Академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида танишиш мумкин.

**Танловда иштирок этиш учун аризалар ЎзР ФТДҚ да 2000 йил 1 ноябргача ҳар куни соат 14.00 дан 17.00 гача қабул қилинади (шанба ва якшанбадан ташқари).**

**Танлов натижалари 2000 йил декабрда эълон қилинади.**

**Манзил: 700017, Тошкент ш., Ҳ. Сулаймонова кўчаси, 29. ЎзР ФТДҚ, 359-хона.**
**Маълумот учун телефонлар: 139-11-50; 139-12-05; 139-18-46.**

2554





## 98 ЁШЛИК ЧЕМПИОН

ГРЕЦИЯ фуқароси Димитриос Иординис 1976 йили Афина шаҳрида ўтказилган марафонча югуришда маррага 4 соату 33 дақиқада етиб келди. Томошабинлар уни гуллар ва қарсаклар билан кутиб олишди. Бу олқиш ва табриклар спортчининг кўрсатган натижасига эмас, балки ёшига берилган эди. Ахир Иординиснинг ёши 98 да эди-да!



## ДУНЁДА ЭНГ ЙЎҒОН ДАРАХТ

Сицилиядаги Этна тоғида ўсаётган каштан (қорақайинлар оиласига мансуб дарахт) ва Туркия шарқида ўсаётган чинордир. Каштанга қачонлардир чақмоқ тушган ва шундан сўнг ҳам танасининг диаметри 51 метрни ташкил этади, чинор эса 42 метр.




## ЭЪЛОН

**"FIKR" ИЖОДИЙ УЮШМАСИ** республикамизда рўй бераётган чуқур иқтисодий ислоҳотлар, халқ фаровонлигини ошириш ва давлат равнақини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган тарихий ўзгаришлар ҳамда амалий ишлар билан кенг оммани янада яқинроқ таништириш ва уларни абадийлаштириш мақсадида, туркум асарларни яратишга киришганлиги муносабати билан, республикамизнинг ҳар бир вилоятидан, **"ВИЛОЯТДАГИ ВАКИЛ"** вазифасига журналистларни ишга қабул қилади. Номзодлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари шарт:

- олий маълумотли;
- журналистика соҳасида ишлаган;
- ўзбек тилини мукаммал ва рус тилини биладиган;
- ёши 45 ёшдан ошмаган;
- иқтисод соҳасида кенг дунёқарашга эга.

Ўзингиз тўғрингиздаги қисқа ва аниқ маълумотларни, 6х9 см суратингизни қуйидаги манзилга, эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида жўнатишингиз мумкин:

**700170, Тошкент ш., акад. Ҳ. Абдуллаев кўчаси, 77а, 208 хона, тел./факс: 162-79-59. "Fikr" ижодий уюшмасига.**

2560

## ТС-Технология

**Кимдир эски усуллар билан ишлайди, кимдир компьютер техникаси афзаллигига ишонмайди, кимдир эса ўз соҳасининг пешқадами бўлади!**




**TS-Technology компьютерлари**

**Самарқанд ш., А.Темур кўчаси 222.**
**Тел/факс: 22-09-54, 22-82-57, 22-24-75.**

2518

